

NIZAMOVA Feruza,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
O'zbek va xorijiy tillar kafedrasida dosenti,
filologiya fanlari nomzodi*

DEHLAVIYNING AYRIM FALSAFIY MUSHOHADALARI

НЕКОТОРЫЕ ФИЛОСОФСКИЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ДЕХЛАВИ

SOME PHILOSOPHICAL OBSERVATIONS OF DEHLAVI

Аннотация. Целью статьи является исследование художественно-идейной системы поэтики Амира Хосрова Дехлеви на основе анализа его рубаи. Автор ставит задачи определить место рубаи в творчестве поэта и оценить его вклад в развитие этого жанра в персидско-таджикской литературе.

Ключевые слова: Персидская литература, суфизм, рубаи, образ, поэзия.

Annotation. To meet in some works on the basis of the detailed analysis rubai of Amir Khusrav Dekhlavi art - ideological system in poetry, to define rubai in creativity of the poet and his contribution in the development of this genre in the persian-tadjik literature.

Keywords: Persian literature, sufizm, rubai, imige, poetry.

Annotatsiya. Maqola Amir Xusrav Dehlaviy ruboiylarining tahlili asosida ularning g'oyaviy va badiiy tizimi bilan tanishish, shoirning ruboiynavislik sohasidagi mahorati qirralarini aniqlash, bu ijodiy jarayonning fors-tojik adabiyoti tarixida tutgan o'rnini belgilashdek maqsadni o'z oldiga qo'ygan.

Kalit so'zlar: Forsiy adabiyot, tasavvuf, ruboiy, badiiy timsol, nazm.

KIRISH

Маънавий баркамолликнинг юзага келишида адабий мероснинг ўрни катта экани шубҳасиз. Мустақиллик нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳада, балки маданий соҳада ҳам ривожланиш суръатининг тезлашишига қулай шароит яратди.

Мазкур мақоламиз жаҳон мумтоз адабиётининг намоёндаси, шоир, тарихчи олим,

муסיқашунос, созанда Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав Дехлавий (1253–1325) ижодига бағишланган. Унинг ҳаёти, ижоди, шеърляти нафақат Ҳиндистонда, балки чет элларда – Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон ва Ғарб мамлакатларида ҳам севиб, кизиқиш билан ўқилади.

ASOSIY QISM

Амир Хусрав форсий адабиётнинг ўз даврида мавжуд барча жанрларида ижод қилди. У рубойчилик соҳасида ҳам ўхшаши камдан-кам топиладиган файласуф санъаткор. Шоирнинг бутун ижоди Ҳақ, олам, одам, ҳаёт, замин, ишқ тўғрисидаги фалсафий мушоҳадаларга тўла ва бу мерос сўз кудратининг тўғри йўналтирилиши натижасида бетакрор обидаларга айланган. Бу соҳада эришган катта муваффақиятлари шоирнинг рубойчилигига ҳам тўла тааллуқли. Рубойларида бутун шеърятга хос бўлган ишқ мавзуи устувор омил бўлса-да, ижтимоий, фалсафий мушоҳада майдони ҳам жуда кенг. У сўз санъатини пухта эгаллаган мохир санъаткор сифатида, ҳар қандай мавзуни маромига етказа олиши билан кишини лол қолдиради. Унинг ўзи бу ҳақда бир рубойида шундай дейди:

خسرو ز زبان تست گوهر همه را
پیدا ز نهان تست جوهر همه را
شد رانده سنان و تیغ و تیر از کلکت
زین گونه بیک چوب مران مر همه را

[11:2056-b.]

Мазмуни:

Хусрав, тилингдан ҳаммага гавҳар (сочилган),

Сен туфайли пинҳон жавҳарлар очилган.

Қўлингдан найза, тиг, пайкон отилган,

Бу тарзда барчани бир таёқ билан қувма.

Бу сатрларни ўқиб, кўз ўнгимизда бутун юриш-туриши чоғида атрофдагиларга сўз гавҳарини ёғдириб, сочиб яшайдиган суҳандон намоён бўлади. У бадий сўз соҳасида мисраларни чинакам гавҳар шодасига айлантира олгани ўтмиш ва ҳозирги замон соҳа мутахассислари томонидан тан олинган. Иккинчи мисрада шоир шеърларининг ирфоний ва фалсафий руҳига ишора топамиз. Унинг ҳар бир сатри чиндан ҳам ҳаёт моҳиятига оид пинҳоний жиҳатларни очишга хизмат қилади. Фахрия тарзида ёзилган бу рубойининг иккинчи

байтидан шоирнинг шеърият жавлонгоҳидаги шижоати яққол кўриниб турибди. Унда аниқ мақсадга қаратилган сўзларнинг барчаси рамзий найза, пайкон ўрнида учиб бориб мўлжалга беҳато уради.

Форсий сўз санъатининг улкан даҳоси Амир Хусрав Дехлавий бадиий асарга қандай қилиб қудрат бахш этишни яхши билган, ундан оқилона фойдалана олган. Шундай бўлса-да, Амир Хусрав ижод одобида устувор туради. Юқоридаги рубойининг тўртинчи мисрасида, ҳаммага бир хилда ёндашиб бўлмаслигини тан олади. Бошқа бир ерда, ўз шеърларининг юксак қадрланишидан қатъи назар, сукутнинг фазилятларини ҳам унутмайди:

خسرو بسخن گرچه ترا بازار يست
این گفتن را نیز حد و مقدار يست
تا کی گوئی که گفت من بسیاری است
بسیار مگو که خامشی خوش کاریست

[11:200a-b.]

Мазмуни:

Хусрав, гарчи сўзларингдан кизиса бозор, Аммо сўзлашнинг ҳам чегараси бор.

Токай «менинг гапларим кўп», дейсан,

Кўп гапирма, сукут сақлаш ҳам яхши хислатдир.

Шоир рубойинавислиги маҳсули сеҳрли бир оламни эслатади. Бу оламнинг сеҳри албатта сўзларда намоёндир. Шоирнинг ўзи сўз қудратига ўнлаб рубойлар бағишлаган. У қайси бир мавзунини ёритишга ҳаракат қилмасин, ўша мавзунини ёки қаҳрамонни ўқувчи наздида равшан гавдалантира олган. Бундай мавзу ва тимсоллар эса Амир Хусрав рубойларида бисёр. Рубой мутафаккир ижодкорлар дунёқарашидаги фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ишқий, ахлоқий-тасаввуфий мазмунни ихчам ифода эта олиш хусусиятларга эга бўлган жанр.

Маълумотларга қараганда, «Хусрав ёш йигитлигидан (тахминан 1271 йилдан) умрининг охиригача ўша давр чиштия тариқатининг етакчиси шайх Низомиддин Авлиёга мурид бўлган ва унга содиқ қолган» [4:164-b.]. Шоир дунёқарашини тушуниш учун, аввало, у яшаб, ижод этган адабий муҳит мойил бўлган эстетик принципларга ҳамда ҳинд элининг давр мафқурасига эътиборни қаратмоғимиз керак бўлади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Амир Хусрав ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган тадқиқотчилар, айниқса, собиқ

Иттифок ҳудуди олимлари ҳукмрон мафқурага «тегиб кетмаслик» учун шоир дунёқарашининг бу жиҳатига жуда кам эътибор берганлар ёки четлаб ўтганлар. Ҳатто шоир ижодининг кенг ва атрофлича тадқиқ этган М.Бақоев монографиясида ҳам шоир ҳаётининг бу жиҳатига жуда кам тўхтаб ўтилган [4: 96-98-b.].

Маълумки, Ҳиндистонда ислом шарқи мамлакатларидаги халқларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг илдиз отган тасаввуф тариқатларидан ҳайдария, суҳравардия, низомия, сабрия каби тасаввуф жамоалари фаолият кўрсатганлар. Аммо Шайх Низомиддин Авлиё раҳнамолиги остидаги «чиштия» тариқати жамоаси айниқса машҳур бўлган [10:24-b.]. Давр маънавий муҳитида катта ўрин тутган ҳамда Амир Хусрав ўзи мансуб бўлган чиштия тариқати ғоялари унинг рубойларида ҳам ўз аксини топган.

Шоир ижодининг бу қиррасини шу характердаги рубойларини махсус бир жойга йиққан 7624 рақамли қўлёзмада, «Аз ар-рубойёт фит-тавҳид борий таоло» сарлавҳаси остида жамланган рубойлар намоёниш этиши мумкин. Бу ерда 74 та рубой берилган бўлиб, уларни фақат ирфоний ва исломий шеърлар ташкил қилади. Улар орасида Яратган ва унинг қудрати, инсон зотида ато этилмиш нарсалар шукронаси, Расулulloҳни улуғлаш қаторида Шайх Низомиддин Авлиё, ҳукмдор мадҳига бағишланган рубойлар ҳамда худонинг қудрати билан вужудга келган табиат ва унинг мўъжизалари, жамият ва ундаги энг нозик туйғулар қаламга олинган рубойларни ҳам учратамиз.

Амир Хусрав, аввало, улуг бир мутафаккир. Айниқса, унинг пири муршиди шайх Низомиддин Авлиё фикрлари унинг кўнглига чуқур ўрнашгани шундоққина кўриниб турибди. У рубойларида пиридан ўзлаштирган тасаввуфий қарашларини, кўнглига яхши ўтиришгани сабаб, кенг ёйишга ҳаракат қилади. Шоирнинг бизгача етиб келган рубойлари унинг ҳаёлини, сўфиёна қарашларда бўлганидек, доимо одам ва олам муаммолари банд қилиб келганини кўрсатади.

ای خیمه من که با فلک مانی راست
تو خود فلکی کو همت از خیمه خطاست
گر خیمه من توئی کجا رفت فلک
ور تو فلکی خیمه من گو که کجاست

[12:207a-b.]

Мазмуни:

Эй чодир, чиндан ҳам фалакка ўхшайсан,
Сен фалакнинг ўзисан, чодирдан ҳиммат
қани? Бу –хато.

Агар чодирим сен бўлсанг, фалак қайда
қолди?

Агар сен фалак бўлсанг, унда чодирим, айт-
чи, қани?

Шоирнинг «эй чодир» дея фалакка мурожаат этаётгани ҳам рост. Унинг бутун оламни оддий чодирга ўхшатиши бу дунёда инсон зотини қийнаётган саволларга жавобни фалакдан кутишга ўрин қолдирмайди. Чунки одам зоти, одатда, ҳаётда муаммоларга дуч келгандагина, фалакка мурожаат қилади. Ундан нималарнидир кутади, умид қилади. Натижада эса, ноумидликлар кўради. Шу вайдан шоир уни оддийгина чодирга айлантиради, қўяди. Демак, ундан «ҳиммат кутмоқлик хато». Фалак ўз остидаги мавжуд ҳар бир нарса ва рўй бераётган ҳар қандай ҳодисага бефарқ. Инсон фалакка юзланар экан, зотан, ундан ҳеч қачон жавоб ололмайди. Дунё Хусрав тасаввурида шундай.

ای تن که بخاک مسکنت خواهد شد
وانکه ز کفن پیر هنت خواهد شد
گفتی که چه سانسست خاک تاریکی گور
تعجیل مکن که روشنت خواهد شد

[12:310a-b.]

Мазмуни:

Эй тан, тупроқда макон топишинг аниқ,
Кафандан қўйлақ ҳам кийишинг аниқ.
«Қабрнинг қора тупроғи қандай?» дея
сўрадинг,

Шошилма, сенга аён (ёруғ) бўлиши аниқ.

Кўриб турганимиздек, бу ўринда маърифатга эришган кимсадан нур ёғилиб туришига ишора этилмоқда. Маърифат нури хатто қоронғи гўрни ҳам нурафшон қилади.

Қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида Амир Хусрав зулм деган ижтимоий иллатга диққатимизни тартади.

هر کس که بظلم کردن آموخته شد
از ناوک مظلوم دلش دوخته شد
پروانه که بر شمع زد افروخته شد
بر سوختگان هر که بزد سوخته شد

[12:413a-b.]

Мазмуни:

Зулм қилишга одатланган ҳар бир
кишининг,–

Дили мазлум ўқи билан тикилди (беркилди).

Парвона ўзини шамга уриб қуяди,

Кимки қуйганларга тегса ўзи ҳам қуяди.

Яхши эътибор қилсак, иккинчи мисрада кутилмаганда, зулмни одат қилган киши юрагига мазлумнинг ўқи қадалиши айтилади. Жабрланувчи ўзи мазлум бўлса, ундан қандай ўқ хавфи бўлиши мумкин? Шоирнинг одатдаги манзарадан келтириб чиқарган хулосаси мантикий, аини пайтда ниҳоятда оригиналдир: ўзи шусиз ҳам қуйиб ётган шамга тама илинжида ўзини урган парвона унга қўшилишиб қуяди. Парвонанинг шамда қуйиш ҳодисаси жуда кўп шоирлар томонидан тилга олинган. Бироқ ҳеч ким мазлумни қуяётган шамга қиёсламаган бўлса керак. Шу жиҳатдан, учинчи мисрада ўхшатиш тарзида келтирган мисоли жуда жонли чиққан. Бу мисолга таянган ҳолда тўртинчи мисрада келтирган хулосаси барчага маълум ва исбот талаб қилмайди: «Қуйганга текканлар тез қуяр экан». Зотан, ёниб турган нарса фақат ёнибгина қолмай, унга теккан нарсани ҳам қуйдиради. Ва аксинча, бировни қуйдирибгина қолмайди, балки ўзи ҳам қуйиб кетади. Чунончи, Навоий бу хусусда, «Фарҳод ва Ширин»да:

Фатила доғ учун ўт солса ҳар дам,

Агарчи қуйдирур, лекин қуяр ҳам, [3:424-
b.]–

деган эди.

Бундай қуйма сатрларни Хусрав рубоийлари орасида кўплаб учратиш мумкин. Улар орасида ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий мазмунда талқин этилиши мумкин бўлганлари жуда кўп. Бу хилдаги рубоийларсиз шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини тушуниб олиш мумкин эмас, албатта.

Амир Хусрав Дехлавий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий муаммолар чишти яғоялари билан қоришган ҳолатда талқин қилинади ва бу билан уларнинг халқчиллиги таъминланади. Унинг рубоийларига чуқурроқ кириб борсак, мазмун теранлигида инсон дуч келиши мумкин бўлган кўпгина муаммоларни яққол кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам унинг талайгина рубоийлари ҳикмат даражасига кўтарилган. Шоир тўрт мисра шеърга ниҳоятда теран фалсафий фикрларни сиғдира

олиши билан бирга, ўз ғоявий мақсадини китобхонларга жуда содда ва ниҳоятда табиий тарзда етказди. Дехлавий рубоийларни эсда қоладиган қилиш, уларнинг таъсир кучини ошириш, қолаверса, катта асарга айлантириб юборишга жуда моҳир. Қуйидаги рубоийдаги ҳаётбахш кайфиятда давр нуқсонларидан ҳам, ҳаётнинг ҳою ҳавасларидан ҳам этак қоққан, бағри кенг инсоннинг қарашлари ўз ифодасини топган:

نی سینه ز حرص زر بر آتش داریم
نی دل ز پی طمع مشوش داریم
نان جو و آب چاه و کنجی خالی
یارب که چه زنده گانی خوش داریم

[12:4796-b.]

Мазмуни:

На олтин ҳирсидан куйган сийнамиз бор,
На тамаъдан ғамга ботган дилимиз бор.
Арпа нон, тиник сув, холи бир бурчак,
Эй, худо, қанчалар ширин ҳаётимиз бор.

XULOSA

Амир Хусрав Дехлавий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий муаммолар чиштиа ғоялари билан қоришган ҳолатда талқин қилинади ва бу билан уларнинг халқчиллиги таъминланган. Амир Хусрав тариқат зиммасига юклатганоммани Ҳақ йўлига даъват қилиш баробарида, яна халққа унинг ахлоқий мезонлари талабига риоя қилишни ўргатади. У ислом муҳида тариқатнинг оғир қоида ва мезонларини, тушунчаларини тагига етиш қийин бўлган ҳинду мусулмон ижтимоий шароитида, тасаввуфий қарашларни рубоийлар шаклида содда ва оддий ифодалар орқали талқин эта олган.

Мақоладан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Амир Хусрав Дехлавий дунёқарашига кўра файласуф санъаткор. Унинг рубоийлари Ҳақ, олам, одам, ҳаёт, замин, ишқ тўғрисидаги фалсафий мушоҳадаларга тўла ва бу мерос унда сўз қудратининг тўғри йўналтирилиши натижасида бетакрор обидаларга айланган. Шоир дунёқарашида ижтимоий-фалсафий муаммолар замонасида халқ орасида кенг тарқалган чиштиа ғоялари билан қоришган ҳолатда талқин қилиниши натижасида рубоийларнинг халқчиллиги таъминланган.

Амир Хусрав Дехлавийнинг дунёвий рубоийларида ҳам, суфиёна рубоийларида ҳам мазкур таълимотдаги асосий ғоялар ҳисобланган, айти пайтда, хожагон ва чиштиа тариқатлари қарашлари учун умумий бўлган поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, илоҳийлик, дунёвийлик, баркамоллик, зулм-истибдодга қарши кураш, адолатпарварлик каби илғор, умумисломий, умумбашарий ахлоқий фикрлар ҳамда илғор миллий, диний қадриятлар тематик асос қилиб олинган. Рубоийлари, кўп жиҳатдан, жорий мавзулар доирасини бойитганлиги ва янгилаганлиги билан характерланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Axloq-odobga oid hadis namunalari. – T., 1990. – B. 364.
2. Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. – М., 1968, – С. 49-65.
3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Мукамал асарлар тўплами, 20 томлик, 8-том. –Т.: Фан, 1991. – Б. 424.
4. Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Дехлавий. – Душанбе: Дониш, 1975.
5. Козмоян А.К. Рубаи в классической поэзии на фарси (X-XII вв.). – Ереван, 1981.
6. Nizamova F. (2019). The history of studying Khusrav Dekhlavi's work // The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 2. – С. 95-99.
7. Feruza, Nizamova (2019). Amir Khusrav's literary heritage in applied art rituals // Theoretical & Applied Science. International Scientific Journal. Philadelphia, USA. 24.09.2019 – P. 189-195. // <http://www.t-science.org/arkivDOI/2019/10-78/PDF/10-78-35.pdf>
8. Feruza, Nizamova (2020). Глобализация и литературный процесс // Актуальные вопросы современной науки. Международная научно-практическая конференция (20 августа 2020 г.) – Новосибирск, 2020. –С. 91-95.
9. Dehlaviy Amir Xusrav. (1975). Osori muntaxab. Dar chor jild, jildi chahorum. G'azaliyot, qasoid, muqatta'ot va ruboiyot. – Dushanbe: Irfon, 1975. – 896 b. (In Tajik).
10. Шомухамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. – Т.: Фан, 1971. –70 б.
11. امير خسرو دهلوی. رباعیات – بمبئی ۱۳۰۱ھ/ 1889 م
12. امير خسرو دهلوی. دیوان کامل. – تهران ۱۳۴۳ھ/ 1964 م